

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Томорқа – туганмас хазина

ИССИҚХОНАДА ШАФТОЛИ ПИШЯПТИ

Ўрта Чирчиқ тумани Қорасув қишлоғида иккита хонадон иссиқхонасида шафтоли етиштирилмоқда. Шухрат Орипов хонадонда 1,5 сотихли мўжазгина иссиқхонада икки қаторга 24 туп шафтоли экилган. Қатор оралари ҳам бўш эмас, салат барги, кашнич, укроп етиляпти.

– Кўп йиллардан буён иссиқхона билан шуғулланамиз, – дейди хонадон бекаси Камола Орипова. – Илгари қишда гул етиштирардик. Помидор ва бодиринг ҳам экардик. Бу экинлар етарли иссиқлик талаб қилади. Қишда бу талабни таъминлаш анча мушкул. Шунинг учун изланишлар олиб бораямиз. 2012 йилда иссиқхонамизга туксиз шафтоли эдик. Бу йил февраль ойда иссиқхонани плёнка билан ёпдик. Ой охирида шафтолилар гуллаб, ҳосил туғди. Февралда асаларилар ҳали уйғонмагани учун шафтоли гулини табиий чанглатиш имкони бўлмади. Сунъий чанглатиш усулидан фойдаландик. Лекин, бунинг самараси табиий чанглатишга етмас экан. Келаси йили иссиқхонага асалари уяси қўйиб, улар ёрдамида чанглатиш усулини тажриба қилиб кўраймиз. Умид қиламизки, ҳаракатларимиз зое кетмайди. Мана, кўриб турганингиздай, шафтоли ҳосили очик ҳаводагига нисбатан анча эрта етиляпти.



Шу маҳалладаги Қари-ма Икромов хонадонидан ҳам иссиқхонада шафтолини эрта етиштириш синиб кўрилмоқда. Ажаб эмаски, бу изланишлар ўз самарасини бериб, қорасувликлар тажрибаси мамлакатимизга кенг ёйилса. – Маҳаллаимизда 848

хонадон бор, – дейди "Қорасув" маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Гулнора Абдурахимова. – Уларга 47,6 гектар томорқа бириктирилган. Маҳмуд ва Баҳром Қодировлар оиласи бодиринг етиштиришда бой тажрибага эга. Тоҳир Йўлдошев, Ўткир Орзиев, То-

хир Мавлонов уста лимончилар. Эркин Искандаров меҳнат фахрийси. Ўттиз йилдан кўпроқ туман сув хўжалиги мелиорация бўлимида меҳнат қилди. Нафақага чиққач, бироз муддат дам олди. Йўқ бўлмади. Тиниб-тинчиманган отахон меҳнат қилмай

ўтира олмади. Фарзандлари Баҳодир ва Райхона билан 5 сотих жойда иссиқхона ташкил этишди. Мана уч йилдирки, помидор экиб, яхши даромад қуришяпти. – Иссиқхонада экин парвариш қилиш учун ҳам билим, ҳам тажриба керак, – дейди Эркин ота.

– Шурки, насибага яраша даромад олаёلمиз. Меҳнат қилган одамнинг омади чопади. **Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.** СУРАТДА: Ориповлар хонадон келини Нозимахон. **Равшан МИРЗАКУЛОВ** олган сурат.

Ислохот

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган қўшма мажлисида "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ижроси асосида вилоятда фермерлик фаолиятини янада мақбуллаштириш масаласини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Мажлисида сенаторлар, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутатлари ва доимий комиссиялари раислари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ва бошқарув органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тижорат банклари раҳбарлари, олимлар ва экспертлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ҳокимият ва бошқарув органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тижорат банклари раҳбарлари, олимлар ва экспертлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар. Ҳокимият ва бошқарув органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тижорат банклари раҳбарлари, олимлар ва экспертлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ҳокимият ва бошқарув органларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия вазирликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, тижорат банклари раҳбарлари, олимлар ва экспертлар, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

XXI АСР МУЗЕЙЛАРИНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Инсон қайси даврда яшашидан қатъи назар ўз тарихи ва маданиятига ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Моддий-маънавий меросимизни сақлаш ва тарғиб этишда айниқса музейларнинг ўрни беқиёс.

Дастлабки музейлар фақатгина осорятиқларни сақлаш ва уларни намойиш этиш билан чегараланган бўлса, вақт ўтиши билан уларнинг йўналишлари ҳам ўзгариб борди. Янги йўналишлар, янги талқинлар ва маданий меросга янгича ёндашувлар музей фаолиятида кўпқиррали вазифаларни белгилаб берди. Музейшунослар олиб бораётган тадқиқотлар ўтган замон ва ҳозирги даврдаги маданий жараёнларни бир-бири билан уйғунлаштириб, уларни маъзун ва моҳият жиҳатидан тарихий жараёнларнинг ажралмас бир қисми сифатида тақдим этмоқда.

ХХ аср охирида маданият соҳасига замонавий технологияларнинг кириб келиши уни юксак даражада ривожлантиришга катта туртки бўлган бўлса, XXI аср замонавий технологиялар асри сифатида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги тараққиётни улкан ютуқлар билан бойитди. Глобаллашув даврида маданий меросни сақлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Бу, албатта, музейлар фаолиятида ҳам кўп қиррали йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Маданий мерос нафақат жамиятдаги ҳар бир халқнинг тарихи ва маданияти, балки бутун дунёдаги кўп қиррали маданиятнинг ажралмас қисмига айланди.

Шунингдек, музейлардаги моддий ва маънавий ёдгорликларни нафақат сақлаш, балки маънавий маданиятни шакллантиришда тақдим этмоқда. XX аср охирида маданият соҳасига замонавий технологияларнинг кириб келиши уни юксак даражада ривожлантиришга катта туртки бўлган бўлса, XXI аср замонавий технологиялар асри сифатида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги тараққиётни улкан ютуқлар билан бойитди. Глобаллашув даврида маданий меросни сақлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Бу, албатта, музейлар фаолиятида ҳам кўп қиррали йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Маданий мерос нафақат жамиятдаги ҳар бир халқнинг тарихи ва маданияти, балки бутун дунёдаги кўп қиррали маданиятнинг ажралмас қисмига айланди.

Шунингдек, музейлардаги моддий ва маънавий ёдгорликларни нафақат сақлаш, балки маънавий маданиятни шакллантиришда тақдим этмоқда. XX аср охирида маданият соҳасига замонавий технологияларнинг кириб келиши уни юксак даражада ривожлантиришга катта туртки бўлган бўлса, XXI аср замонавий технологиялар асри сифатида ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги тараққиётни улкан ютуқлар билан бойитди. Глобаллашув даврида маданий меросни сақлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Бу, албатта, музейлар фаолиятида ҳам кўп қиррали йўналишларнинг шаклланишига олиб келди. Маданий мерос нафақат жамиятдаги ҳар бир халқнинг тарихи ва маданияти, балки бутун дунёдаги кўп қиррали маданиятнинг ажралмас қисмига айланди.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИРКОР МАНФААТИ ҲИМОЯДА

Бекобод туманида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни либераллаштиришга қарши кураш Департаменти фаоллари, тадбиркорлар, солиқ ва банк ҳиммалари иштирокида семинар ташкил этилди.

Тадбир республика Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармониининг маъмуноҳиятини тарғиб этиш ва ижросини таъминлашга қаратилди. Иштирокчилар тадбиркорлик фаолияти учун юртимизда етарли шароитлар яратилгани ва тадбиркорлик субъектларининг эмин-эркин, қонунда белги-ланган тартибда ишлаши кафолатлангани, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари қонуний равишда ҳимоя қилинаётганини таъкидлашди. Ийгиликлар кун тартибидан масалалар юзасидан уларнинг қизиқтирган саволларига муфассал жавоблар олдлар.

Каримкул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Вилоят ҳокими топшириқлари қандай бажарилаяпти?



Паркент тумани марказидаги бу манзара бир неча йилдирки, қандай бўлса шундайлигича қоляпти. Бу ердаги дам олиш масканларига келувчилар марказий бозор олдидagi тартибсизликлардан обдон асаблари таранг бўлиб ўтадилар. Иш кунлари шундай тиқилинч бўладики, унча-мунчанинг асаби дош беролмайди. Дам олиш кунлари-ку, бу жойдан, умуман,

ўтиб бўлмайди. Ҳатто, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари ҳам бундай тартибсизликларга барҳам бера олмаётган. Бозор мамыурияти эса автомобиллар учун каттароқ ажратиш ҳақида йўл-маётган кўринади. – Бу ерда на тартиб, на қоида бор, – дейди йўлдан ўтолмай асабийлашган йўловчилардан бири. – Ҳайдовчилар машиналарини

МАШИНА ЭГАСИ БОЗОРДА...

ёки Паркент марказидаги бир муаммо ҳақида

хоҳлаган жойларидан буришади, айримлар йўлнинг ўртасига қўйиб, бозорга кириб кетишади. Буюкдагилар эса ўтолмай, хуноби ошиб кутаверади. Вилоят ҳокимлигида ўтандиган транспорт тендерларида йўл ҳаракати хавфсизлиги мутасаддилари бу масалани бир неча бор муҳокама этишган ва туманда йўловчи ташиниш изга солиш учун, аввало, шохбе-катдаги тартибсизликларга барҳам бериш кераклигини тақрорлайвериш чарчашган.



Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Афтидан, туман ҳокимлиги ва бозор мамыурияти масалага амалда жиддийроқ киришмаса, аҳвол ўнган-майидиган кўринади.

Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти • Вилоят ҳаёти

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Иқтисодий бўлими тақдим этган маълумотларга қараганда, шу йилнинг биринчи чорагида 40 дан зиёд хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилиб, 80 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, Ниёзбош кўчасида "Қушбегим асл таомлари" ошхонаси иш бошлаши натижасида 3 киши ишли бўлди.

– Ошхонамизда асосан қовурилган бедана мижозлар дастурхонига тортилади, – дейди тамаддихона раҳбари Муроджон Ҳакимбоев. – Ҳўрандалар талабидан келиб чиқиб, таомномани

бойитиш ва иш ўринларини икки баравар кўпайтиришни режалаштиряпмиз.

Шунингдек, "Янгийўл савдо комплекси"да иш бошлаган "Бизнес само йўли" масъулияти чекланган жамияти ҳам бу йилги қалдирғочлардан. Дўкон қурилиш моллари савдосига иختисослашган.

Бекзод ҲИДОЯТОВ.

ЁШЛАР ҲАШАРДА

"Шеробод" маҳалласида бунёд этилаётган намунали уй-жойлар қурилишидаги ишлар янада қизгин тус олди.

Бу ерда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг ташаббуси билан ҳудуддаги уюшмаган ёшлардан ташкил топган 60 кишилик "Бунёдкор"лар гуруҳи ҳашарга чиқди. Ёзги мавсуми қурилиш майдонида ўтказишга қарор қилган ёшлар қурувчиларга гишт териш, бетон қуйиш, пардозлаш, шунингдек, ободчилик ишларида ёрдам беришмоқда. Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

САХНАДА КЕЛИНЧАКЛАР

"Маҳалла" жамғармаси туман бўлими ва хотин-қизлар қўмитаси ташкил этган "Қайнонам – онам меннинг" кўрик-танловига маҳаллалардан ташриф буюрган ёш келинлар оиладаги вазифалари, катталарга ҳурмат, қайнонага муносабат, фарзанд тарбияси, пазандалик маҳоратига оид саволларга жавоб бердилар ва тажрибаларини сахнада намойиш этдилар. Ўсмир қизлар учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган танлов гойибларига ҳоимийларнинг эсдалик совғалари топширилди. Умида ИСАЕВА.

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш ва амалий қўникмаларини ривожлантириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий тизимини амалга оширишда иштирокчиларнинг маъмуноҳияти билан чуқурроқ таништириш мақсадида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танлови ўтказилди. Биринчи ўринни агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг "Қасамб" жамоаси эгаллади. Гойиблар "Қамолот" ЕИҲ туман кенгаши ҳамда туман ФХД ва нотариал идорасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шахло ФАЗЛИЕВА.

Лойиҳа доирасида

Кўй Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-унар коллежга Швейцария Конференцияси Ташқи ишлар вазирлиги Давлат секретари Ив Россье бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Гап шундаки, коллеж делегациянинг "Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳасида касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳасига қиритилган.

легиация ташриф буюрди. Гап шундаки, коллеж делегациянинг "Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳасида касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳасига қиритилган.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Делегация аъзолари коллежда лойиҳанинг ижросига доир ишлар билан танишдилар. Шунингдек, мамлакатимизда таълим соҳасидаги ривожланиш уларнинг эътиборини тортиди. Коллежда фермер ҳўжаликлари мутахассислари, сугориладиган ерлар мелиоратив тизимлари техниги, кишлоқ ҳўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механизми каби 8 та йўналишда 1112 ўғил-қиз таълим олмақда. Уларга 60 га яқин малакали педагог ва муҳандис-педагоглар таълим-тарбия бермоқдалар. Коллежда Ўзбекистон-Швейцария "Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳасида касбий кўникмаларни ривожлантириш" лойиҳаси фаолияти

бошланганидан кейин бир қатор йирик ва кичик корхоналар ҳамда олий ўқув юрталари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. "Паркент-Корасув" ирригация тизими бошқармаси "Сайрам сув", "Пахтазор суви" каби истеъмолчилар уюшмаси, Тошкент ирригация ва мелиорация институти коллежнинг доимий ҳамкорлари. Лойиҳа асосида ишчи гуруҳ ҳамкор корхоналар мутахассислари ва олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари томонидан "Сугориладиган ерлар мелиоратив тизимлари техниги" касби бўйича тармоқ таълим стандарти, намунавий ва ишчи ўқув режалар, умумкасбий ва махсус фан-

Ирода МАКСУД қизи.

Олов – тилсиз ёв

ЁНҒИН ДОННИ ҲАМ, ЕРНИ ҲАМ КУЛ ҚИЛАДИ

Халқимизнинг асосий रिқ-рўзи бўлган ғалани етиштириш қанчалик муҳим бўлса, уни турли табибий офатлардан, жумладан, ёнғиндан сақлаш ҳам шунчалик зарурдир. Зеро, ёнғин – тилсиз ёв эканини ҳаммамиси биламиз. Айримларнинг лоқайдлиги, вазифасига масъулиятсизлиги туфайли ғаллазорларда ёнғин чишиши ва оқибатда қанчадан-қанча қалби қалган кулга айланган ҳеч гап эмас. Яқин кунларда виллоятимизда ғалла ўрими бошланган. Шу муносабат билан мавсумни талафотсиз ўтказиш учун ёнғин хавфсизлиги қондаларига таълим риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор эслатамиз. Дон қомбақлари, трактор ва бошқа транспорт воситалари яхши соланган бўлиши, учкун сўндиргич ва бирламчи ўт ўчириш анжомлари билан тўлиқ жиҳозланиши лозим. Бундоғзорлар қўннида чекши, очиқ оловдан фойдаланиши, таъмирлаш ишлари олиб бориш қатъиян ман этилади. Урим бораётган майдонлар яқинида плугли тракторларда навбатчилик

вуллик хизмати ташкил этилиши зарур. Ғалласи ўрилиб, ташкил олинган даладари зудлик билан ҳайдаб, кейинги экинлар учун тайёрлаш лозим. Бунда майдонларда қолиб кетган сомонни ёқиб юборишга йўл қўйилмайди. Яна бир бор эслатиб ўтамизки, रिқ-рўзимиз манбаи бўлган ерни аъзолаш, уни ёт балосидан асраш, қолаверса, тупроқ унумдорлигини сақлаш мақсадида ғалладан бўшаган майдонлардаги сомонларни ёқиб юборилишига йўл қўйманг! Она табиатида ва еримиизнинг ҳар бир қарич тупроғи муқаддас. Уни ёнғиндан асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. **А. АБДУРАЗЗОКОВ, виллоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлим бошлиғи.**

2013 йил – Обод турмуш йили

СЕМИНАРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида маҳалла идораларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кўчатириш борасида муҳим вазифалар белгиланган. Жумладан, маҳалла фаолларининг ижтимоий-иқтисодий билимини ошириш, ҳўқуқий маданиятини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмақда.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ташкил этилган фуқаролар ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Унда мамлакатимиздаги ўн мингга яқин фуқаролар йиғинларини раислари, масъул қотиблари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилари, маҳалла посбони жамоат тузилмаси раҳбарлари иштирок этмоқда. Шундай семинарлар виллоятимиз маҳаллаларида давом этмоқда. Уларда мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида маҳалла институти изчил ривожлантирилётгани, "Обод турмуш йили" Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш, уларнинг ҳўқуқ ва ваколатлари



ри қабул қилинди.

Маъзур қонунлар мазмун-моҳияти, уларни ҳаётга таъбиқ этишда эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлар ўқув-семинарларнинг асосини ташкил этади. Давлатимиз раҳбари тақдим этган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифалар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ҳам малакали мута-

хассислар томонидан тадбир иштирокчиларига чуқур тушунириб берилмаётган.

– Маъзур семинарлар маҳалла идоралари фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди виллоят бўлими раиси Ҳўжимурод Эрматов. – Ўқув-семинарларда 1202 та фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда 1035 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан 4083 нафардан ортиқ тизимда фаолият кўрсатувчи ходимлар иштирок этапти. Тадбирларда яқинда қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти батафсил тушунирилгани фаолиятимизда кўл келади. Муҳими иштирокчилар ўз фаолиятларини ҳолисона баҳолашларида ушбу семинарлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

СУРАТЛАРДА: Оҳангарон туманида бўлиб ўтган ўқув-семинарлар лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



маралари кенг муҳокама этилмоқда.

Ана шу мақсадларнинг мантиқий давоми сифатида яқинда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирда-

ри қабул қилинди.

Маъзур қонунлар мазмун-моҳияти, уларни ҳаётга таъбиқ этишда эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлар ўқув-семинарларнинг асосини ташкил этади.

150 йилдирки, Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой халқаро ҳаракати кўплаб мамлакатларда инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатиб келмоқда. У аввало инсон ҳаёти ва ор-номусини ҳўймоқ қилади. Турли қуролинизолар, табиий ва техноген офатларда моддий, маънавий ва тиббий ёрдам кўрсатади.

ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ АСРАШ ЙўЛИДА

Энг асосийси, ҳаракат инсонларини тили, дини, этникиди каби табақаларга ажратилган ҳолда қадр-қимматлари топталишига йўл бермайди. Шунга қўра, Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим ой халқаро ҳаракати инсонпарварлик, беғаразлик, бепарафлик, муқтадиллик, ихтиёрлик, ягоналик ва универсаллик тамойиллари асосида иш кўради. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуман ҳаракатнинг 188 дан ортиқ давлатда амалга ошираётган ишлари ва 150 йиллик тантанасига бағиш-

– Мен эришаётган натижалар ёнимда доим ҳамкор бўлиб, амалий ёрдам бераётган ҳамширалар туфайлидир, – дейди тажрибали шифокор. – Биз врачлар жарроҳликни ўтказиб, керакли муолажаларни ёзиб берамиз-у, беморларни ҳамширалар ихтиёрига топшираёмиз. Улар эса туну кун беморлар қошида бўлиб, уларнинг дардини бирга тортишади, муолажаси ва муомаласи билан уларга малҳам бўлишади.

ШИФОКОРГА ҲАМДАМ, ДАРДМАНДГА МАЛҲАМ

Бекобод тумани тиббиёт бирлашмаси кўз касалликлари бўлими бош шифокори Эркин Каримов тўғри ташхис қўйиб, аниқ даволаши, айниқўса, жарроҳликни бехато ўтказиши билан танилган. – Мен эришаётган натижалар ёнимда доим ҳамкор бўлиб, амалий ёрдам бераётган ҳамширалар туфайлидир, – дейди тажрибали шифокор. – Биз врачлар жарроҳликни ўтказиб, керакли муолажаларни ёзиб берамиз-у, беморларни ҳамширалар ихтиёрига топшираёмиз. Улар эса туну кун беморлар қошида бўлиб, уларнинг дардини бирга тортишади, муолажаси ва муомаласи билан уларга малҳам бўлишади. Шифокор ҳамширалар меҳнатига шундай баҳо берад экан, ўз бўлимидаги Шоира Султонова, Дил-

Каримкул БОБОҚўЛ ўғли.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда: 1. Опмаллик шаҳар СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433-сонли ижро ҳўжжатига асосан 1985 й. "Урал рўсу-сумили мотоцикл", д/р. 6981 ТШ. Бошланғич баҳоси – 881 961 сўм. 2. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 16.04.2012 й. № 1-84/12-сонли ижро ҳўжжатига асосан 1983 й. "ИЖП 3", д/р. 8381 ТШ. Бошланғич баҳоси – 650 430 сўм. Тошкент виллоят, Оҳангарон тумани, "Раҳмонтранссервис" майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 31 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 3. 05.11.2012 й. № 11307-сонли ижро ҳўжжатига асосан 1972 й. "Ваз 2102" д/р. 10 J 607 DA. Бошланғич баҳоси – 2 830 000. "Бекободсавдо" МЧЖда сақланмоқда. 4. 05.11.2012 й. № 11308-сонли ижро ҳўжжатига асосан 1975 й. "Газ-24" д/р. 11 T 8238. Бошланғич баҳоси – 2 659 398. "Бекобод шаҳар" 9226-сонли ҳарбий қисмда сақланмоқда. Оҳангарон тумани СИБ томонидан: 5. 03.10.2012 й. № 1-151-12-сонли ижро ҳўжжатига асосан 2008 й. "Матиз" д/р. 01 E 547 AA. Бошланғич баҳоси – 13 022 140. 6. 03.10.2012 й. № 1-151-12-сонли ижро ҳўжжатига асосан 1988 й. "ГАЗ СПГ Ваз-2106" д/р. 01 M 815 DA. Бошланғич баҳоси – 4 714 128. Оҳангарон тумани ИИБ ЙХББ жарима майдончасида сақланмоқда. Чиноз тумани СИБ томонидан: 7. 20.04.2010 й. ижро ҳўжжатига асосан 1989 й. "Газ-5327" д/р. 10 952 VAA. Бошланғич баҳоси – 9 001 000. 8. 20.04.2010 й. ижро ҳўжжатига асосан 1989 й. "Камаз 5410" д/р. 10 954 VAA. Бошланғич баҳоси – 17 414 000. 9. 20.04.2010 й. ижро ҳўжжатига асосан 1986 й. "Иж 2715" д/р. 10 947 VAA. Бошланғич баҳоси – 4 937 000. Аукцион савдоси 2013 йил 17 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги автотранспорт воситалари 2013 йил 17 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги автотранспорт воситаларини сотиш мақсадида тақдирда, маъзур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан тақдирий савдо 2013 йил 2 июль кунини бўлиб ўтишини олдин-

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 26.11.2012 й. № К-13314/12 ва 13504-06/18-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробот кўчаси, 1-проезд, Оқ олтин кўчаси, 36-ўй. Бошланғич баҳоси – 303 750 000 сўм бўлган кўчмас мулк тақдоран қўйилмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 31 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. 2. Урта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 11.02.2013 й. № 11-12227/15804-сонли ижро варақасига асосан Тошкент виллоят, Урта Чирчиқ тумани, Қумовул қ.ф.й., Паркент тракт кўчаси, 15-ўй. Бошланғич баҳоси – 1 900 000 000 сўм. 3. Учтепа тумани СИБ томонидан 05.10.2012 й. ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Сегибобоев кўчаси, 1-ўй. Бошланғич баҳоси – 4 908 903 788 сўм. 4. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 05.04.2012 й. № 11338-39/25-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сирдарё кўчаси, 45-ўй. Бошланғич баҳоси – 184 214 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 17 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги мулклар 2013 йил 17 июнь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридеги мулкларни сотиш юзасидан тақдирий савдо 2013 йил 2 июль кунини бўлиб ўтишини олдин-

"KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси охириб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент виллоят ҳўжалик судининг 2011 йил 28 январдаги 11-1024/27010-сонли ижро варақасига асосан, "Қишлоқхўжаликми" Юқори Чирчиқ туманлари филиалига тегишли Тошкент виллоят, Урта Чирчиқ тумани, Уртасарой ҚўЙ, Уртасарой маҳалласи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 0,2826 га, қурилиш майдони 821,20 кв.м бўлган бино ва иншоотлар тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 182 043 000 сўм. Савдо 2013 йил 31 май кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 29 май кунини соат 18:00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита қилиб чиқиб билишни мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар шарт: 20208000304936050001, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даха, 3-ўй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Лицензия: RR-0052.

ИЖТМОИЙ РЕКЛАМА

- Янги уйлар Сиз учун узок мuddатли сарма ва фарзандлар учун мерос.

2013 йилда КИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ҲОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай жойлашув: дўхон, мактабга яқин жойда;
- Замонавий дизайндои уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 сотих ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳақида текис ва равои йўлларга эга;

Келажақ учун ЖАМҒАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатини кўнайтириш имконияти;
- Имитиёзли фойз ставкасида 15 йил мuddатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маош миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нарслар сарофи.

Ойлангиз учун ёрқин КЕЛАЖАҚ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имитиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилавий режаслар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада жишлоқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратлади.

Замонавий қурилиш моллари ва ЮқОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўтган тўдратиш қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиши;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Узурғиси нарсларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.

Марҳамат, муроссаат қилинг:

- Туман ёки виллоят ҳокимликларига;
- Кишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Камолот" ЕИХ бўлимига;
- Хотин-қизлар қўниталарига;
- Кишлоқ қурилиш банк филиалларига, мини банкларига;
- Кишлоқ қурилиш инвестиция филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шахрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

Бўстонлик тумани Ҳўжакеңт кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "ХО' JAKENT ZIOL CHASHMASI" масъулияти чекланган жамиятига тегишли жами 0,093 га ер участкасидаги қурилиш майдони 435,22 кв.м бўлган қисман қурилиши битмаган савдо, умумовқатланиш ва дам олиш маскани бино-иншоотининг кадастр техник ҳўжжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Олмазор тумани ТСРҲИ томонидан 31.05.2007 йилда гувоҳнома рақами № 0505691 билан рўйхатга олинган (ИНН 432226189) яқка тартибдаги тадбиркор Сиддиқханов Фахриддин Хаджимуратовичга тегишли бўлган бир донна думалоқ муҳр ва бир донна бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод тумани ТСРҲИ томонидан 25.05.2011 йилда гувоҳнома рақами № 004963 билан рўйхатга олинган "SERGELI BETON" МЧЖга тегишли бўлган бир донна думалоқ муҳр ва бир донна бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "TESKO SERVIS PLUS" (ИНН 206836262) Мирабадского района соообщает об уменьшении уставного фонда с 203 110 000 сум до 77 000 000 сум. Тел.: 598-35-68.

ООО "POYTAXT BAHOLASH MASLAXATI" (ИНН 207111587, ОКОНХ 84500), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента № 005074-03 от 25.02.2011г., расположенное по адресу г. Ташкент, Мирабадский район, ул. А.Темур, д. 16-а, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (согласно решению учредителей общества с ограниченной ответственностью "POYTAXT BAHOLASH MASLAXATI" № 4 от 14.05.2013г.). Претензии принимаются в течение одного месяца. Тел.: 233-98-39.

СП ООО "EVROTEX TASHKENT" соообщает об уменьшении уставного фонда с 4 538 558,18 (четыре миллиона пятьсот тридцать восемь тысяч пятьсот пятьдесят восемь долларов 18 центов) долларов США до 4 377 178,3 (четыре миллиона триста семьдесят семь тысяч сто семьдесят восемь долларов 30 центов) долларов США. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Навои, дом 18-Б. Тел./факс: 241-06-34, 150-69-04.

ООО "RENAISSANCE AGRO" (ИНН 302148108), зарегистрированное ИПСП Яккасарайского района г. Ташкента (№ 006358-11 от 20.09.2012г.) соообщает (на основании протокола общего собрания участников № 4 от 14.05.2013г.) об уменьшении уставного фонда с 518 000 000,00 сум до 166 000 000,00 сум.

ООО "ALNOZ SAVDO" (ИНН 203536417), зарегистрированное ИПСП Юнусбадского района (реестр № 10-000219), расположенное по адресу: ул. А.Темур-72, почтовый адрес: Юнусбад-14, ул. Ысқоқовольная-14, объявляет об уменьшении уставного фонда с 67 527 000 сум до 12 370 000 сум. Претензии принимаются по тел.: 301-14-66.

Бектемир тумани ТСРҲИ томонидан 2011 йил 17 октябрда рўйхатга олинган "BEKTEMIR METAN" МЧЖнинг устав жамғармаси 1 590 804 200 (бир миллиард беш юз тўқсон миллион саккиз юз тўрт миң икки юз) сўмдан 900 000 000 (тўққиз юз миллион) сўмга камайитрилишини маълум қилади. Давловлар қўйидаги телефон рақамлари орқали қабул қилинади: 380-41-63, 277-85-05.

ООО "ALMAZ AGAT" (ИНН 302303585), Шайхонтоҳурского района соообщает об уменьшении уставного фонда предприятия с 60 000 000 сум до 5 000 000 сум.

ООО "ROM-MIRBEK" (ИНН 206176870, ОКПО 20663702, ОКОНХ 83200), зарегистрированное ИПСП Юнусбадского района г. Ташкента за реестровым № 001718-10 от 03.03.2006г., реорганизуется путем присоединения в ООО "OROMA". ООО "OROMA" является правопреемником по всем правам и обязательствам ООО "ROM-MIRBEK". Претензии принимаются в течение одного месяца по адресу: г. Ташкент, Юнусбадский район, офис и магазин расположенный по улице А. Каюмова. Телефон для информации: (+99898) 303-03-26.

Хангома

Икки гапнинг бирига "томизги" сўзини қўшиб гапиргани учун маҳаллада "Томизги" лақабини олган Гилмиддин қўлида бозорхалта, дарвозадан худди таёқ еган итдай вангилаб кириб келди.

та сомсага тоғоранг тўлади-ми?! - Тўлади, албатта, тўлади! - деди Тонгсулув халтани кўтариб, ошхона томон юрар экан.

ни чиқариб, уни бир шам-пунлаб ювиб, ялтират! "Турсуной" ингиз гаражда туравериб, занглаб кетгандир, хайтовур, буғун уни тўйга миниб борарканмиз-да!

лат тўкиб борсак, қариндош-уруғларнинг олдига обрў бўларди, дейман-да. Сенга обрў - менга чиким!

- Айланай, Гилмиддин, бахтимга уйда экансиз, шу тобда неварани келишим, тўлоқ тўтиб, тийпирчилаб қолди! Искори кўрғурга кўнғирок қилсам, "Бензин йўқ, ўзинглар опкелинглар!" дейди-я! Болалар ишда, нима қилишни билмай, додираб қолди! Айланай сиздан, ўшани раддўмга етказиб қўялмайсизми?!

ТОМИЗГИ



қиб, хонтахта тўридаги кўрпачага қўзилди-да: - Чой! - деб қичқирди. - Ҳозир, хўжайин, Ҳозир! Тонгсулув ошхонадан югурлибга чой дамлаб келиб, пиллага кўйиб, эрига узатар экан:

- Ҳай, хўжайин, яна нима бўлди, тинчликми? - деди кўзлари жавдираб. - Э! - деб қўл силтади Гилмиддин. - Бу маҳаллада томизгиликка арзимайдиганлар борлигидан қоним қайнаб кетди! Манов, сўнг ёқдаги манчакафуруш Бой-хўроз тирриқ гузарда қўлида оғир халта билан келатганини кўра туриб, Жегулусида тўхтамай ўтиб кетса бўладими?!

- Кўрмагандир-да, кўрса ўлибдими тўхтамай. - Балони кўрмайдими, кўра туриб, тўхтамайди, пасткаш! Қўлида оғир халта, маҳаллага судралиб етиб кесам, дарвозасининг олдига эски эшакаравасини ювяпти! "Ха, Хўроз, уйга келар экансиз, тўхтаб ола келсангиз, бу темирингизнинг бирор жойи ейилиб қоларидими?" десам, "Янги "Нексия"ни гаражга қантариб қўйиб, ўзингиз атайин бадантарбия қилиш учун пиеда юрибсиз, деб тўхтамадим" дейди.

"Мани машинама қайда тургани билан сени наҳа пуллик ишинг бор?" демоқчи бўлдим-у, шу чаканафурушга йирик сўзимни майдалаб ўтираганини, деб гапимни ичимга ютдим. Жулиқнинг айтган гапни қара! - кейин хотинига ўқрайди. - Ўттиз-

борамиз, дедингми?! - Гилмиддин кўзларининг пахта-си чикқудек гижирланди. - Автобусда борсанг, тўйга киритмайдингми?! Нукул пасткашлар йиғилган маҳаллада яшаганим етмагандай, пешонага хомкалла хотин биттидан доднинг кимга айтасан?!

- Мана, масовликдан энди хомкалла бўлдики! - кўзига еш олди Тонгсулув. - Пишган калла бўлганинда, тўйга мошинда борамиз, деб алхимасдинг. Кеча "қутлуг бўлсин"га бориб, берган юз минг тўяна-маво ўттизта сомсанинг эвазига баҳамжизлаб бориб, ебичиб келмаймизми?! Ундан кўра, гараждан "Турсуной"-

маймак, иккинчидан, тўй ту-гага, сенинг итуруғ қариндошларингни уйма-уй ташийман! Сенга шу керакмиди?! - Ҳай, буюғини ўйламабман, - лабини тишлади Тонгсулув.

- Ўйлаш учун ҳам мия керак! Бум-бумсан, деса, яна хафа бўласан! Тур ўрингдан, мошинни гараждан чиқариб, "Банний день" қиламиз.

Гилмиддин билан Тонгсулув "Нексия"ни гараждан чиқариб, кўпиклатиб ювишга киришиб кетишди. Ювиш якунланиб, қуруқ дока билан артиш бошланганда, дарвозадан кўшни кампир - Бўхожар халлослаганича югуриб кириб келди.

Гилмиддин хотинига хавотир билан кўз қирини ташлаб, сўнг бош чайқаб: - Жон деб етказардим-у, аммо мошиннинг бакида бир қултум ҳам бензин йўқ, қуриб ётибди! - деди афсусланган оҳангда.

- Бир умидим сиздан эди, энди нима қилдим?! - деди кампир тарвузи кўлтигидан тўшиб. - Манов манчакафуруш Тиркаш тирриққа айтинг, қақраз уйда, бензин пулинги оласан, десангиз, ташлаб қўяди. - деди Гилмиддин, кейин қўшиб қўйди. - Пулни яхши қурди у майда!

- Ҳай, унда ўшандан илтимос қиларман! - деб Бўхожар хола ховлидан югурганча чиқиб кетди. Тонгсулув латтини қаттиқ сиққанча, бош чайқаб: - Хўжайин, бензинни баҳона қилмай, шундай пайтда ёрдам берсангиз нима қиларди, - деди қуяиб. - Бунча дийдангиз қаттиқ...

- Ха, ман қаттиқман, тошман! - бужирди Гилмиддин. - Қаттиқ бўлганимдан, сен Ҳозир биронинг полинимас, ўзингнинг мошинангни ювясан! Э, ношукр, дўмпагувалак!

Гилмиддин алам билан қўлидаги латтини капот устига отиб: - Бўлди, бас, қорин пие-пүсти бўлганди, тоғорангни олда, имилламасдан чик, мен сени астанаюққа кута-ман! - деб, бешиктератардай лаки-лукки қадам ташлаганча, ташқарига йўл олди.

Гилмиддин алам билан қўлидаги латтини капот устига отиб: - Бўлди, бас, қорин пие-пүсти бўлганди, тоғорангни олда, имилламасдан чик, мен сени астанаюққа кута-ман! - деб, бешиктератардай лаки-лукки қадам ташлаганча, ташқарига йўл олди.

Гилмиддин алам билан қўлидаги латтини капот устига отиб: - Бўлди, бас, қорин пие-пүсти бўлганди, тоғорангни олда, имилламасдан чик, мен сени астанаюққа кута-ман! - деб, бешиктератардай лаки-лукки қадам ташлаганча, ташқарига йўл олди.

Дилфуза АКБАРОВА.



ШЕР ГЎШТИ ТАОМНОМАН ЧИҚАРИЛДИ

Флорида штати Тампа шаҳридаги "Tago Fusion" ресторани жойлардан тушаётган шикоят ҳамда таҳдидли хатлар муносабати билан шер гўшти қўшиб тайёрланадиган таомни сотмасликка қарор қилди.

The Atlanta Journal-Constitution нашрининг хабар беришича, ресторан маъмурулари хайвонларни қўриқловчилардан газабли ва таҳдидли хатлардан ташқари, уларни қўллаб-қувватлашлари айитилган мактублар ҳам олишганини таъкидлашди. Бироқ шунга қарамай, Тако деб номланган овқат тури таомномадан чиқарилди.

Тако - турли қўшимчалар, шунингдек, Африка шер гўшти қўшилиб, маккажўхори ёки бугдой унидан тайёрланадиган нон. Унинг нархи 35 доллар туради. Ресторан менежерлари шер гўштини Иллинойс штатидаги таъминотчилардан ошқора харид қилишларини айтдилар. Уларнинг сўзларига қараганда, Бир килорамм шер гўшти 500 доллар турар экан. "Tago Fusion" дан ташқари Нью-Йорк ва Балтемор каби шаҳарларнинг ресторани таомномасида ҳам шер гўшти қўшилган егуликлар жой олгани кўпчиликка маълум. Айна пайтда "Tago Fusion" таомномасида экзотик хайвонлар, жумладан, қўтос, ақула, туюқш, чинқироқ илон, тимсоҳ ва гизол гўштидан тайёрланадиган егуликлар ўрин олган.

ГИННЕС РЕКОРДЛАР КИТОБИГА КИРИТИЛДИ

The Daily Mail наشري тарқатган хабарда айтилишича, Англияда 14 та айланма йўли тепалик барпо этилган ва у Гиннесс рекордлар китобига киритилган.

Стафффордшир шаҳрида жойлашган ушбу аттракционлар боғи вакиллари шу ҳақдаги сертификатни олишга ҳам улгурдилар. Ушбу рекордчи аттракцион лойиҳаси муҳандислар ва олимлар ҳамкорлигида тайёрланган бўлиб, дам олувчиларнинг қўриқовчилари масаласи ҳам ҳисобга олинган. Аттракционда учини истовчилар айланмаларнинг кўпчилиги ва тезликнинг юқорилигидан ташқари сўнғий тарзда ҳосил қилинчуви кўрүнчли кўринишларини ҳам бошдан кечирадилар. Учиш 2 дақиқаю 45 сония давом этади. Тезлик эса, соатига 85 километрга етади.

18 миллион фунт-стерлинг сарфлаб қурилган ушбу тепалик дам олувчиларини май ойининг охиригача қабул қилишни бошлади. Гиннесс китобига 2001 йил сентябрда киритилган аввалги аттракционнинг тезлиги соатига 65 километрдан ошмасди.

ПОЛИЦИЯДАН ҚОЧИБ... ТИМСОҲГА ТУТИЛДИ

Флорида шаҳрида полиция таъқибидан қочиб бораётган кишига тимсоҳ ҳужум қилди. Associated Pressнинг маълум қилишича, полиция ходимлари қочқончи тимсоҳ ҳужумидан сўнг мурожаат қилишга мажбур бўлган шифохонадан топишган.

20 ёшли Брайан Зануганинг ҳикоя қилишича, полициядан қочиб бораётган, сувни тозалаш станцияси ёнидан ўтаётганда унга тимсоҳ ташланган бўлган. Йиртқиқ йигитни ерга қулатиб, тишлаб бошлаган. Натихада қўлида ва юзларида тимсоҳ тишларининг излари қолган. Полиция маҳкамасидан маълум қилишларича, Зануга бошқариб бораётган машинанинг юриши шубҳали туғулиб, ходимлар уни тўхташтирган. Шунда ҳайдовчи машинани ташлаб, қоча бошлаган. Шу жойдаги тўсиқдан сакраб ўтиб, кўздан йўқолган, шу боис полиция уни воқеа жойида қўлга ололмаган.

Брайан Зануга полицияга қаршилик қўратиб, қонунбузарлик содир этилган жойдан қочишга уриниш, мuddати ўтган ҳайдаш вужуҳномаси билан машина бошқариш каби жиноятларда айбланмоқда.

НАВОЗ ШАРИФ ПАРТИЯСИ - САЙЛОВ ҒОЛИБИ

Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф ўзининг "Покистон мусулмон лигаси" партияси Миллий ассамблеяга сайловларда галаба қозонганини эълон қилди, дея хабар тарқатди AFP агентлиги.

Агар ушбу галаба расман тасдиқланса, Навоз Шариф учинчи марта бош вазир лавозимини эгаллайди. Унинг тарафдорлари Лахор шаҳридаги штаб-квартирага тўпланиб, галабани байрам қилишни бошлаб юбордилар.

Шарифнинг асосий рақиби, "Покистон адалат ҳаракати" партияси раҳбари Имран Хон ўз мағлубиятини тан олди. Афсуски, сайловлар қўрбонсиз ўтмади. Ушатирилган бир нечта қўпоровчилик ҳаракатлари оқибатида 24 киши ҳалок бўлди. 130 киши жабрланди. Сайловлардан олдинроқ "Толибон" ҳаракатининг Покистондаги тармоғи вакиллари сайловга ҳалақит беришларини айтган эдилар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Илм аҳлининг айтишича...

Нон сеҳри

Ҳақинда италиялик олимлар ноннинг ахборий хусусиятларини аниқлашди. Маълум бўлишича, нон таркибига кирувчи моддалар одам оғиз бўлишида махсус муҳит яратлади. У эса ўз навбатида қариес қабулчи бактериялар ҳосил бўлишига йўл қўймак экан. Унинг ёрдамида тишлар тозаланади. Нонни узок вақт сақлаш ярамайди. Бунда у нафақат бемазалашади, балки фойдали хусусиятларини ҳам йўқотди. У қанчалик тез ейилса, шунча яхши. Албатта, иштаҳани очиб юборадиган ширмови кучлар-у батон нонни ширин мазаси учун яхши кўрамин.

Афсуски, нон махсулотларининг умри қисқа. Бироқ сифатли нонларни узокроқ сақлаш мумкин.

Кўк чойми - қора чойми...

"Чой мунтазам ичиб турилганда туҳумдон саратони касалигига чалиниш хавфи камайдми", дея таъкидлашмоқда швед олимлари. Улар 20 йил давомида 40 ёшдан 76 ёшгача бўлган 60 минг аёлларнинг одатлари ҳамда егуликларини ўрганиб, шу хулосага келишди.

Гарчи, шифокорлар биринчиликни кўк чойга беришсада, қора чой ҳам у қадар ортда қолмайди. Маълум бўлишича, кунига икки пилёла чой ичган аёлларда саратон 46 фоизга кам учрайди. Хар кун қўшимча чой ичган аёлларда бу хавф 18 фоизга камайар экан. Улар умуман чой ичмайдиган аёлларга қараганда 24 фоизга камроқ бу дард билан оғришаркан. Ичимликнинг бундай фойдали жиҳати биринчи навбатда унинг таркибидидаги мавжуд антиоксидантларга боғлиқ. У танадаги соғлом ҳужайраларнинг бузилишини анча секинлаштиради.

Унуттишга қанча вақт керак?

Британиялик психолог ва нейробиологлар нашр қилган ҳисоботда айтилишича, инсонлар ўртасида севгининг юзага келиши муҳит, яшаш жойи, овқатланиш тартиби, улар қайси вақтда бирга бўлишига боғлиқ экан. Тадқиқотчилар фикрига кўра, адабий ва муслиқ қарашларининг умумийлиги одамларнинг муносабатларига жуда кам таъсир қилади. Севгининг пайдо бўлишида икки жинснинг қайси овқатларни хуш кўриши ёки бўш вақтларини қандай ўтказиши каби майда

Нафасингиз қисятими?



Янги Зеландия олимлари қондаги Д витамини нафас олиш тизимини яхшилашни исботладилар. Бу витамин миқдорини ва нафас олиш тизимининг аҳоли айниқса, 60 ёшдан ошганлар ва чекувчиларда аникрок кўринган. Фақат бундай таъсирнинг сабаблари хали аниқланганча йўқ. Ҳозирча шифокорлар нафас йўллари касалликларига билан оғриган беморларга таркибиди Д витамини бўлган махсулотлардан кўпроқ истеъмол қилишни тавсия этишди.

Туҳум, семга, скумбрияга ўхшаган ёғли балик ва сут шулар жумласидан. Бундан ташқари, Д витамини танада қўйиш нурилари таъсириди ҳосил бўлиши кўпчиликка маълум. Шундай бўлса ҳам қўйиш нурида тобланишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиб, химоя воситаларидан фойдаланинг.

Туҳум, семга, скумбрияга ўхшаган ёғли балик ва сут шулар жумласидан. Бундан ташқари, Д витамини танада қўйиш нурилари таъсириди ҳосил бўлиши кўпчиликка маълум. Шундай бўлса ҳам қўйиш нурида тобланишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиб, химоя воситаларидан фойдаланинг.

Марям АХМЕДОВА тайёрлади.

Бу - қизиқ

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Туҳумнинг фойдали хусусиятлари ҳақида ҳамма билади. Уни хом ва пишган ҳолда истеъмол қилиш кўп дардларга даволиги исботланган. Шунингдек, туҳумда холестерин миқдори юқорилиги, уни тановул қилишда меъёрни унутмаслик ҳам таъкидланган.

Хитойлик мутахассислар олиб борган лаборатория изланишлари туҳум оқсиди асосини ташкил этувчи пептид моддаси пиширилганда ҳам фойдали хусусиятини 100 фоизга сақлаб қолганини тасдиқлади. Туҳум оқсиди кон босими кўтарилшининг олдини олиш ва меърияди ушлаб туришда фойдали. Уни дори ўрнига қўлишни тавсия этамиз, - деб таъкидлашмоқда хитойлик олимлар. Бежизга, туҳумни етти хазинанин бери дейишмайди-да, ахир.

Жиноятга жазо муқаррар

Нафақат бекободликлар, балки яқин-атроф туманларда яшовчилар ҳам яхши билишадилар, шаҳар марказида барпо этилган Хотира майдони бор. Бу ерда кечасию-кундузи мангу порловчи олов эл-эрт озолиги ва осийишталлиги йўлида қурбон бўлганлар хотираси азиз ва абадий эканини ватандошларимиз ёдига солиб туради. Демак, нафақат буюқ ажодларимиз ҳурмати учун ўрнатилган, балки уруш ва бошқа қатагонлар қурбонларига аталган Хотира майдонлари ҳам муқаддас қадамга ҳисобланса хато бўлмас. Зеро, буюқ ажодларимиз ҳам уруш ва қатагон қурбонлари ҳам бутун халқ ва фаолиятларини Ватан манфатларига бахшида этганлар. Шу боис хотира майдонларига қадим ранжидида қилганлар бу ерда тартибдор сақлайдилар, қариндош-уруғлари ва яқинлари хотирасини ёдга олиб, руҳларини шод этишди. Лекин...

Утган йили август кунларининг бирида Хотира майдонига оқшом чўкиб, атроф сокинлашган, қаердандир уч-тўрт киши пайдо бўлди. Уларнинг қадим ошларлари, атрофга олазарок боқишлари шубҳали эди. Бу шу атрофда бўлган ички ишлар ходимлари эътиборини тортди. Шубҳали кимсалардан бири тўдадан ажралиб, мангу олов ёнига борди. Атрофга аланглаб қўйиб, уша ерга аввалдан яшириб қўйилган бир нарсани олиб, шериклари ёнига қайтиб келаётганида, сергак милиция ходимлари уни тўхташтиди. Холис гувоҳлар шохидлигида шубҳали шахсининг кийим-бош-

биринчи тергов бошлангандагина нима қилиб қўйганини тушуниди, буюғи "вой" эканини аниглаб етди. Аммо, энди кеч, жиноятга жазо муқаррар эди. Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди Мардонни ўн йил мuddатга озодлиқдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шаҳар нарқолоғи диспансерининг хулосасига кўра, М. Жалилов жазо

донни жар тепасига етаклаб келган иллатни қисқача баён этмоқчимиз. Ота-онаси очиб берган дўконда эмин-эркин савдо қилиб юрганида, Фуқрат исми йигит билан танишиб қолди. Янги "таниш" эртасига, хуллас, хар кун келиб турди. Кеча еттиёрт бегона бўлган йигитнинг нега бу қадар серкатнос бўлиб қолгани Мардонни

ОРҚА-ОЛДИ БЕРК КҮЧА

нинг умрига зомин бўлиш учун етиб ортади. Зеро, бу миқдордаги афюн Ўзбекистон Республикаси гиёҳвандликни назорат қилиш давлат комиссиясининг махсус қарори билан "кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддаси" дея малакаланиши бежиз эмас. Шу ўринда бир мулоҳаза. Қадамжоз - ўз номи билан муқаддас жой. Юқориди таъкидланганидек, бу ерга одамлар фақат яхши ниятда ташриф буюришди. Эгри ният, шумқадам кимсаларга бу қадамжозларга йўл йўқ. Аммо, гиёҳвандлик шундай балокки, у ўз тўзогога илтиришиб, домига тортган кимсаларини одамийликдан бутунлай чиқариб, онгини тўтмоқ, қалбини басир қилди қўяди. Бундан манкуртлардан хар қандай қабиҳликни кутиш мумкин.

Ҳақиндаги мулоҳазаларда ҳам соҳасида ишлаб, "сағдои олдиди", "емаганини кетиди" ўйнаб-қулиб юрган Мардон Жалилов (айрим мулоҳазаларга кўра исмлар ўзгартirilган) суднинг қора курсисига ўтириб, мuddатини умумий тартибдаги колонияда ўташ билан бир вақтда гиёҳвандлик касалига қарши мажбурий даволанадиган бўлди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: "Хўш, Мардон нима жин уриб ақдан озди, тўғри йўлдан тойдими?" Ҳозир "у қадар олис бўлмаган жой"да "жиллов"да юриб, ўзига бот-бот шу саволларни бераётган бўлса ажаб эмас. У тўғри жавоб топа олаётгани йўқми, билмадиг-у, шуниси кундай равшанки, энди айбни ўзга жойдан эмас, ўзидан аxtариши керак. Ахир у - инсон, бирот етакласа, кетворадиган жонзот эмас.

Бўлари бўлиб, қолган умрини туман қоплаган, суд мажлисидаги сўроқлар жараёнида қачон, қаерда, қандай адашганини бир бошдан ҳикоя қилиб берди. Биз ҳам "ўзагларга зора сабоқ бўлса" деган мақсадда Мар-

лигидан фойдаланиб, уни гиёҳвандлик моддаларини излаб топиш ва қўлга киритиш билан шуғулланувчи беминнат итлоқор даст-ёрга айлантириш эди. Навбатдаги ташрифларининг бирида Мардонни синаб қўришга аҳд қилди: "Бекобод шаҳридан героиннинг дарағи чиқди. Бугун кечқурун бориб олиб келсанг, ўзинга ҳам 3-4 гарма ва яна 200 минг сўм бераман.

Аллақачон Фуқратдан тез-тез героин сотиб олишга ўтган Мардон бу ишга учиб-қуниб рози бўлди. Воқеанинг буюғи юқориди баён этилди. Шундай қилиб, танишганида янги йил ҳам бўлмаган "дўсти" (хам-товоғи) уни милиция тўзогоғи рўпара қилиб, ўзи сувдан қуруқ чиқди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, гиёҳвандлик - шундай охири аянчли иллат. Агар ОИТС аср вабоси бўлса, гиёҳвандлик ҳам ундан қўлишмайдиган бало. Икковининг ҳам охири қай-ғули.

Гиёҳвандлик гўё олди-орқаси берк кўча. Унга кирган киши учун ортга йил йўқ. Олдинда эса охири маъвум, аммо қисқа йўл. Бу йўлга ҳаётда мулоҳаза-мушоҳада қилиб яшашга тоби йўқ, енгил-елли юришни хуш кўрувчи иродаси суст, лоқайд, лакма кишилар кўпроқ кириб қолишади. Мардоннинг бетайин хулқ-атвори бунга далил, қисмати эса кўпчиликка сабоқ.

Отабек АБДУЛЛАЕВ, вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи. Абдусамат ЙЎЛДОШЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Table with contact information for 'TOHKENT HAQIQATI' newspaper, including address, phone numbers, and website.